



№57 (910)
2025 йил 29 июль,
сешанба

O'ZBEKISTON
BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

facebook.com/uzbunyodkor telegram.com/uzbunyodkor instagram.com/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

МУЗРАБОТДА ЯНГИ ЛОЙИХА



Сурхондарё вилояти Музработ туманида саноат йўналишида яна бир истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда. “SURXON KSP-GRAND” масъулияти чекланган жамияти томонидан маҳаллий хомашё – қамишдан ДСП, ЛДСП ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 15,4 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, ушбу маблағнинг 7,74 миллион доллари тадбиркорнинг ўз маблағлари, қолгани эса тижорат банки кредити ҳисобидан молиялаштирилган.

Корхонада кунига 150 минг метр куб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу ерда 400 та доимий иш ўрни яратилган.



Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎзА) олган суратлар.

Давлатимиз раҳбари 28 июль кун Андижон вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар билан танишди.

Хусусан, 40 миллион доллар сармоя эвазига робот-технология асосида ишлович инновацион клиника, замонавий агрологистика мажмуаси, туристик масканлар ташкил қилиш бўйича қўлаб ташаббуслар билдирилган.

Маълум қилинишича, 1 миллиард 100 миллион долларлик қўшимча лойиҳалар шакллантирилган бўлиб, уларнинг натижасида 22 минг иш ўрни, қўшимча 200 миллион долларлик экспорт имконияти очилади.

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ҳукуматнинг шаҳар ва қишлоқ жойларидаги кўчалар ҳамда ички хўжалик йўллари инфратузилмасини такомиллаштиришга оид қарори асосида ички йўللарни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, мазкур қарорга мувофиқ, Сурхондарё вилоятида ҳам бюджет маблағлари ҳисобидан Термиз шаҳри ва барча туманларда жорий йил ҳар бир ҳудудда 20 километрдан йўл таъмирланди. Яқинда ушбу дастур доирасида Термиз шаҳридаги Нурли келажак маҳалла-

сининг Гулшан кўчаси, Жўйжангал маҳалласининг Тағор кўчаси ҳамда Маърифат маҳалласининг Тохаристон кўчасида таъмирланган 20 километр йўл фойдаланишга топширилди. Президентимизнинг ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган топшириқлари ижроси доирасида амалга оширилган мазкур ишлар учун давлат бюджетидан 60 миллиард сўм йўналтирилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалида янгитдан қурилаётган бинода олиб борилаётган жиҳозлаш ишлари ва яратилаётган шарт-шароитлар билан ҳам танишишди. Қурувчиларга ишларни тез фурсатда яқунлаш, замонавий тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш вазифалари белгилаб берилди.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Сурхондарё вилоятида хизмат сафарида бўлиб, Термиз туманидаги Қуёшли юрт маҳалласида жойлашган 16-сонли алоҳида фанлар чуқур ўрганиладиган мактабда олиб борилаётган капитал таъмирлаш жараёнлари билан танишди.

Мазкур объектда таъмирлаш ишлари “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” ДУК буюртмаси асосида, “Диёрбек идеал сервис қурилиш” МЧЖ пудратчилигида амалга оширилмоқда. Икки қаватли ўқув биносининг барча қисмларини қамраб олган ишлар жадвал асосида олиб борилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунгача демонтаж ишлари 95 фоизга, электр монтаж ишлари 95 фоизга, том ёппа ва ички пардозлаш ишлари 60 фоизга, дераза жойлари учун гишт териш ишлари эса 75 фоизга бажарилган.

Вазир ўринбосари объектни кўздан кечириб экан, энг аввало, ишчиларнинг махсус кийимда ишлаши ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши лозимлигини таъкидлади. Бинонинг ҳолати, хусусан, гидроизоляция билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, қурилиш материалларининг сифати, белгиланган стандартларга мувофиқлиги, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши ва пудратчи ташкилот фаолияти юзасидан ҳам тегишли кўрсатмалар берилди.

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.



Тадбирда марказий аппарат ходимлари билан биргаликда ҳудудий инспекциялар ходимлари ҳам масофавий тарзда, ZOOM платформаси орқали иштирок этди. Семинарда Фармонда белгиланган вазифалар,

давлат хизматини ислоҳ қилиш, кадрлар сиёсатида очиклик ва самарадорликни таъминлаш, хизматчиларнинг шахсий масъулияти ва касбий фаоллигини оширишга қаратилган масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 июлдаги 473-Ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах вилоятида Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан Жиззах вилояти ҳокимлигида ишчи гуруҳ раҳбари бошчилигида йиғилиш ташкил этилди.

Йиғилишда ёқилги қуйиш шохобчаларида юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларнинг олдини олиш, ёнғин ва саноат хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш масалалари муҳокама қилинди. Мутасаддиларга ушбу объектларда хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ тавсиялар берилди. Олиб борилган таҳлиллар асосида тегишли ҳолатлар ҳужжатлаштирилиб, амалий тақлиф ва чоралар белгиланди.

Бундай ўрганишлар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам давом эттирилмоқда.



Наманган вилоятининг Давлатобод туманидаги “Ёшлар боғи” яқин орада нафақат кўркам қиёфа касб этади, балки ёшлар, оилалар ва сайёҳлар учун замонавий дам олиш ва маънавий-маърифий масканга айланади.



Айни кунларда мазкур боғда кенг камровли реконструкция ва ободонлаштириш ишлари қизғин паллага кирган. Янги лойиҳа доирасида боғни ижтимоий туризм марказига айлантириш кўзда тутилган бўлиб, бу йўналишда замонавий архитектура ечимлари асосида инфратузилма янгиланмоқда.

Яқинда соҳа вакилларида иборат ишчи гуруҳ қурилиш ишлари билан танишди. Ишчи гуруҳ вакиллари



сифат масаласига алоҳида эътибор қаратди ҳамда топшириқларни аниқ белгилаб, лойиҳанинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш лозимлигини таъкидлади. Боғни қайта жонлантириш орқали бу масканда сайргоҳлар, экскурсия йўналишлари, маданий тадбирлар учун мўлжалланган сахналар, болалар майдончалари ва замонавий сервис объектлари ташкил этилиши назарда тутилган.

ОБИ ҲАЁТНИНГ НАРХИ ЭМАС, ҚАДРИ МУҲИМ

Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ичимлик суви инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир. Шундай бўлсада, бу неъматнинг қадрини билиш, ундан оқилона фойдаланиш, уни асраб-авайлаш масаласида жамиятдаги муносабат ҳали ҳам етарли эмас. Бунн Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ўтказилган текширув, назорат тадбирлари ва таҳлиллар ҳам исботламоқда.



Жорий йилда вилоят санитария-эпидемиология осойишталик маркази билан ҳамкорликда сувнинг инсон саломатлигига хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ичимлик суви сифати бўйича 1018 та таҳлил ўтказилди. Таҳлиллар орқали турли манбалардаги сув таркиби ўрганилди ва назоратга олинди. Бу эса, аҳолининг соғлом турмуш шароитини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, вилоятда ичимлик суви тармоқларига ноқонуний уланишлар, унинг беҳуда сарфланиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида махсус текширишлар ташкил этилди. Ҳудудларда ўтказилган бу тадбирлар давомида 168 та қоидабузарлик ҳолати аниқланди. Натижада “сув таъминоти ташкилотлари”га 2 миллиард 283 миллион 730 минг сўм миқдорида зарар етказилгани аниқланди.

– Аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланиш қоидаларига амал қилиши юзасидан ҳам назорат тадбирлари олиб берилди, – деди инспекция бошлиғининг ўринбосари Хусанбой Обиджонов. – Жами 218 та бундай ҳолат қайд этилиб, 459 миллион 600 минг сўмлик маъмурий жаримлар расмийлаштирилди. Бу, энг аввало, одамлар орасида сувдан масъулиятсизлик билан фойдаланиш ҳолатлари ҳали ҳам сақланиб қолаётганидан далолатдир. Бюджет ташкилотларида ҳам бу йўналишда назорат кучайтирилди. Жами 205 та ўрганишлар натижасида 39 та ҳолатда ичимлик сувидан фойдаланиш қоидалари бузилгани маълум бўлди. Бундай ҳолатлар учун 69 миллион 250 минг сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳам четда қолмади. 50 та тадбиркор фаолияти ўрганилганда, 37 та ҳолатда қонунбузарликлар аниқланди. Улардан 20 та ҳолат бўйича текширув ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, 17 та ҳолатда эса жиноят

ишлари бўйича судларга юборилди. Жами келтирилган зарар миқдори 2 миллиард 171 миллион 500 минг сўмни ташкил этди.

Ички назорат билан бирга, жамоатчилик назоратини кучайтиришда Андижон вилояти Маҳаллалар уюشمаси билан ҳамкорликдаги ишлар ҳам яхши самара бермоқда. Имзоланган Меморандум асосида 131 та маҳаллада ўрганишлар олиб борилиб, аниқланган камчиликлар бўйича масъул идораларга кўрсатмалар берилди. Бу маҳаллаларда ичимлик суви тармоқлари ҳолати, сув ҳисоблаш ускуналарининг мавжудлиги ва фойдаланиш тартиби ўрганилди. Шунингдек, ер ости сув қудуқларини эксплуатация қилиш ҳолати ҳам чуқур таҳлил қилинди. Жами 234 та қудуқ ўрганилиб, 207 турдаги камчиликлар аниқланди. Инспекция ваколати доирасида уларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга кўрсатмалар берилди.

Авария ҳолатларига жавобгарлик ва тезкорлик билан ёндашиш ҳам тизимли равишда йўлга қўйилган. Ҳудудий инспекция томонидан авария ҳолатларини ўрганиш жараёнида жами 173 та носозлик аниқланди. Сув таъминоти ташкилотларига тегишли кўрсатмалар берилди ва муаммолар бартараф этилди. “Андижон сув таъминоти” АЖ томонидан тақдим қилинган 117 та техник шарт ўрганилиб, уларда аниқланган камчиликлар бўйича ҳам кўрсатмалар берилди. Бу ишлар орқали янги лойиҳалардаги хатоларнинг олдини олиш, тизим самарадорлигини ошириш мақсад қилинди.

Бу маълумотлар шундан далолат берадики, ичимлик суви билан боғлиқ масалалар фақат техник эмас, ижтимоий, маърифий, ҳуқуқий ечимларни ҳам талаб қилади. Сув ҳаёт манбаи эканини унутмасдан, ҳар бир томчисини эҳтиёт қилиш умумий масъулияти-миздир.

Бир томчи сув – бир умрлик ҳаёт



Самира МАМАДЖАНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

Баҳор фаслининг гўзал куни. Дарахтлар гуллаган, ер юзи нозик майсалар билан қопланган. Майин шамол эсиб, табиат ўзига хос кўркемлик касб этган. Атроф-муҳитнинг гўзаллигидан баҳра олиб, яхши кайфиятда уйга қайтапман. Бир пайт кўзим йўл четидаги янги сув кранларининг биридан оқиб турган сувга тушди. Атрофда ҳеч ким йўқ. Борлари ҳам эътибор бермаяпти. Қўнглим хиралашди. Чунки айнан шу дақиқаларда дунё бўйлаб миллиардлаб одамлар тоза ичимлик сувига муҳтож ҳолда ҳаёт кечираётганини билиб туриб, бебаҳо неъматнинг исроф бўлаётганини кўриш ачинарли эди. Тўқликка шўҳлик қилиб, сувни исроф қилиш ҳам гуноҳ, ҳам виждонсизликдан бошқа нарсас эмас.

Сувни тўхтатгач, йўлимда давом этдим. Ҳаёлимга турли саволлар келарди. Негача одамлар табиат инъомларини кадрламайди? Негача тежамкорликни одат қилишмайди? Ахир, сув қайта тикланиши жуда кўп босқич ва вақт талаб қиладиган, баъзи ҳолларда эса умуман қайта тикланмайдиган манба. Бунга Орол денгизини мисол қилсак ҳам бўлади. Агар бутун биз бу масалага эътиборсиз бўлсак, эртага фарзандларимиз сувга зор бўлиши мумкин.

Демак, ҳар биримиз бу масалада жавобгармиз. Афсуски сувнинг исроф бўлаётганига фақатгина кўча кранларидан эмас, балки кўп хонадонларда ҳам гувоҳ бўлганман. Айрим одамлар катта гиламларни тоза ичимлик суви билан ювишади. Бу – жиддий муаммо. Бу муаммонинг ечими сифатида замонавий, минималистик уй дизайнини танлашни таклиф қилар эдим. Ювишда кўп сув талаб қиладиган оғир ва катта гиламлар ўрнига енгил, экологик тоза, осон тозаланидиган замонавий гиламлар ёки гиламсиз поллардан фойдаланиш нафақат сув, балки вақтни тежашга ҳам ёрдам беради. Сувни тежаш – ҳар бир инсон ҳаётини соғлом, оқилона ва масъулиятли тарзидир. Бу нафақат бутун, балки эртанги кун учун ҳам муҳим.

Келинг, бир лаҳза ҳаётимизни сувсиз тасаввур қилайлик. Эрталаб уйда сув қайнатгич жим. Душни ёқмоқчи бўласиз – крандан ҳеч қандай садо йўқ. Қўл ювиш, овқат тайёрлаш, хаттоки лимон кестандан сўнг қўлни чайиш ҳам имконсиз. Оғиз ва лаблар куриб

кетган. Ҳар дақиқада фақат сув ҳақида ўйланади. Кўчада одамлар чарчоқ, иссиқдан ҳолсиз. Дарахтларнинг барглари сўлиб қолган. Чимзор куриб, гулларнинг боши эгилган. Ҳатто ҳаво ҳам оғир. Табиат жим, рамгин. Шифохоналарда, мактабларда санитария муаммолари. Ишхоналарда одамлар мадорсиз...

Бир кунгина сувсизлик одамларга ҳаётнинг ҳақиқий қимматини ҳис қилдиради. Лекин биз бу ҳолатга тушмаслигимиз мумкин ва керак. Сувнинг учун нима қилиш керак?

Душда камроқ вақт ўтказинг, тиш ювганда сувни очик қолдирманг, крандан сув томчилаётган бўлса, дарҳол таъмирланг. Идишларни бир жойга йиғиб, кейин ювинг. Ўсимликларни эрталаб ёки кечкурун суғоринг. Иложи борича ҳар бир ишда сувни тежанг. Тежаш нафақат табиат, балки молиявий манфаат ҳам. Сувни тежаш – уйдаги коммунал тўловларни камайтиришга ҳам ёрдам беради. Қўндалик оддий эҳтиёт чоралари орқали ойлик харажатларда катта фарқ сезилади. Коммунал тўловлар кўплигидан шикоят қилишдан олдин, ҳар биримиз ўзимизнинг одатларимизга назар ташлашимиз керак. Она табиат, юртимиз ва келажақ авлодларнинг тинчлиги, фаровонлиги учун биз сувини тежашни ўзимиздан бошлашимиз керак.

Ҳар бир томчи сув бу – ҳаёт, бу – келажақ. Унга нисбатан масъулият билан ёндашайлик. Сувни сақлайлик. Сувни ардоқлайлик. Сувни тежайлик!

Сув танқислигига қарши инновацион ечим

Марат УЛПЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси Инфратузилмани ривожлантириш бўйича бош мутахассиси.

Орол денгизи куриб, глобал иқлим ўзгараётгани туфайли Қорақалпоғистон Республикасида сув танқислиги тобора кучаймоқда. Бу нафақат аҳоли, балки санитария шароитларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, овул жойларда эски ва самарасиз септик тизимлар соғлиқ ҳамда атроф-муҳит учун жиддий хавф туғдириши турган гап.

Яқинда бу муаммога барҳам бериш учун БМТнинг Тараққиёт дастури, Япония ҳукумати, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамкорлигида инновацион лойиҳа амалга оширилди. Ташаббус доирасида Японияда ишлаб чиқилган “Jokaso” номли замонавий оқова сувни тозалаш тизими синовдан ўтказилди.

Жорий йил бошида 96 минг АҚШ доллари миқдорида молиялаштирилган лойиҳа доирасида “Jokaso” қурил-



маси учта муҳим ижтимоий муассасада, яъни, реабилитация маркази, бола-лар боғчаси ва ихтисослаштирилган мактабда ўрнатилди. Ушбу тизимлар марказлаштирилмаган ҳолда ишлайди ва оқова сувни биологик тозалашни таъминлайди. Ушбу объектларнинг танлангани бежизга эмас: Нукус туманидаги ихтисослашган реабилитация марказида ногиронлиги бўлган шахслар даволанади. Бу жойда “Jokaso” тизимининг жорий этилиши муҳим ўзгаришларга сабаб бўлди. Ҳар йили 3,5 мингга яқин беморга хизмат кўрсати-дан марказ энди барқарор ва ишончли тоза сув манбаига эга.

Марказ раҳбари Гулмирза Юлдо-

шевнинг айтишича, янги тизим ўрнати-лгандан сўнг ҳудудга тегишли майдонда турли хил истеъмолбоп маҳсулотлар етиштирилмоқда ва тоза-ланган сув туфайли ҳосилдорлик яхши бўляпти:

– Авваллари ҳар қанча эътибор бер-сак ҳам, экин кўкармас, борлари эса ку-риб қоларди. Бундан ташқари, экологик ва ижтимоий афзалликлари кўп экан: ҳудудда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилгани натижасида беморлар-нинг руҳий саломатлигида ҳам ижобий ўзгаришлар сезилмоқда.

Айни пайтда янги тизим натижака-ри кўпчилиكنи қизиқтириб қўйди. Шу сабабли, уни ўрганиш ва кенг жорий



этиш мақсадида реабилитация мар-казида туман ва шаҳарлардаги уй-жой мулкдорлари вакиллари учун амалий семинар ўтказилди. Унда “Jokaso” тизи-мининг ишлаш жараёнлари намойиш этилди.

Бир сўз билан айтганда, “Jokaso” каби инновацион ечимлар Қорақалпоғистон Республикасида оби ҳаёт танқислиги шароитида ҳам тоза сувга бўлган эҳти-ёжни қондириш, атроф-муҳитни муҳо-фаза қилиш ва аҳолининг ҳаёт сифати-га ижобий таъсир кўрсатишда муҳим аҳа-мият касб этади. Бу лойиҳа фақатгина техник янгиллик эмас – у инсон қадр-и, соғлиги ва келажагига қаратилган ама-лий қадамдир.

АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КАСБИЙ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Санъат МАТКАРИМОВ, Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори.

Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли қурилиш ва шаҳарсозлик ишлари мамлакат инфратузилмасини тубдан янгилamoқда. Йил сайин нафақат янги турар жойлар, заводлар, мактаблар, йўллар, балки янги шаҳарлар ҳам қўплаб барпо этиляпти. Бу эса табиийки, қурилиш соҳасида юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни оширмоқда.

Бутунги кунда ушбу соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг бир қисми ўз мутахассислиги бўйича таълим олмаган. Яъни, улар амалда қурилишда ишляпти, лекин дипломи ёки расмий малакаси қурилишга мос эмас. Бу эса қурилиш сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Шу сабабли, уларни касбий қайта тайёрлаш масаласи кун тартибига чиқди.

Ўзбекистонда бу вазифани амалга ошириш Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳузуридаги тармоқ марказида ташкил этилди. Мазкур марказ 2012 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 278-сонли қарори асосида ташкил этилган бўлиб, олий таълим тизими педагоглари ва соҳавий мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш билан шуғуullanadi. Айниқса, 2025 йилдан бошлаб марказда қурилиш муҳандислиги йўналиши бўйича номутахассис кадрлар учун махсус қайта тайёрлаш курслари ташкил этилгани кўпчиликл учун янгиллик бўлди. Бу курсларнинг энг муҳим афзаллиги – улар масофавий тарзда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш имконини беради.

Масофавий таълим – бу замонавий таълим шакли бўлиб, ишчи-мутахассисларга иш жойини тарқ этмасдан билим олиш имконини беради. Ўқув курслари махсус электрон платформада ўтказилади: видео-дарслар, электрон тестлар, мустақил топшириқлар ва мулоқот имкониятлари орқали. Бу таълим тури анъанавий таълимдан кам эмас. У ҳам мақсад, мазмун, вазифа, ўзлаштириш шакллари ва ўқитиш воситаларига эга. Шунинг учун масофавий таълимга таълимнинг узлуксиз қисми сифатида қараш зарур. У орқали катта тажрибага эга бўлган, лекин расмий малакаси йўқ ходимлар соҳада ўз ўрнини мустаҳкамлаши мумкин.

Масофавий курслар орқали мутахассислар қурилиш меъёрлари, муҳандислик ечимлари, хавфсизлик қоидалари ва янги технологиялар бўйича замонавий билимларга эга бўладилар. Бу эса, ўз навбатида, уларни меҳнат бозорида ракобатбардош қилиш билан бирга, иш сифати ва хавфсизлигини ҳам таъминлайди.

Тармоқ маркази томонидан қайта тайёрлаш курслари модули ва иш берувчилар талабла-



рига мувофиқ равишда ташкил этилади. Ўқув жараёни тугаши билан битирувчиларга давлат намунасидаги диплом тақдим этилади. Бу ҳужжат уларга расмий равишда мутахассис сифатида ишлаш ҳуқуқини беради. Бундай ёндашув нафақат ходимлар учун, балки корхона ва ташкилотлар учун ҳам жуда фойдали. Чунки улар ўз ходимларини иш жойидан ажратмасдан билимли, малака ва масъулиятга эга мутахассисга айлантиради.

2025 йилда ТАКУ тармоқ марказида 306 нафар тингловчининг малакаси оширилиши режалаштирилган. Шунга кўра, январь-июнь ойларида 206 нафар профессор-ўқитувчиларнинг малакаси оширилган. Касбий қайта тайёрлаш курсида эса соҳа мутахассислигининг олий маълумотга эга, лекин мутахассислик бўйича дипломи бўлмаган кадрлари учун ташкил қилинган июнь ойидаги курсга 32 нафар тингловчи қабул қилинган. Йил якунигача яна 50 нафардан зиёд



номутахассис кадрларни касбий қайта тайёрлашга ўқитиш режалаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, архитектура-қурилиш соҳасида кадрларни касбий қайта тайёрлаш – бу нафақат таълим соҳасига оид, балки давлат ва жамият тараққиёти учун муҳим стратегик ва-зифадир. Бу жараёнда масофавий таълимнинг ўрни тобора ортиб бормоқда ва у келажақда ҳам энг самарали усуллардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

“Инклюзив” вилоятга айланаётган Сурхондарё

Азиз МАШРАБОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ногиронлиги бўлган инсонлар ҳар куни оддий ҳаётда биз эътибор қилмайдиган муаммоларга дуч келишади – лифтсиз бино, пандуссиз муассаса, овозсиз светофор, йўлнинг нотеқслиги. Аммо сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ушбу тўсиқлар аста-секинлик билан бартараф этиляпти.

Масалан, шаҳарларимизда кўзи ожиз фуқаролар учун овозли светофорлар ўрнатилляпти. Улар йўлдан ўтишда махсус тугмани босади ва йўл очилганини овозли белгидан билишади. Бу нафақат қўлайлик, балки хавфсизлиқни ҳам таъминлайди.

Мобил аравада ҳаракатланувчи Зухра Ҳасанованинг ҳаёти мисолида шунини кўриш мумкин. У тўғри яратилган муҳит инсонда ишонч уйғотади. У пандуслар орқали жамоат жойларига бемалол кира олади, шаҳар ичида эркин ҳаракатланмоқда. Аммо ҳали ҳам барча муассасаларда мослашувлилик таъминланмаганини таъкидлаб, “Ҳаётда биз ҳам фаол бўлишни истаймиз. Қўлай муҳит – биз учун ишлаш, ўқиш, жамиятга фойдали бўлиш имкони демакдир”, – деди у.

Ҳа, бугунги Термиз – энди фақат тарих ва тамаддун маркази, жануб гавҳаригина эмас, балки у инсон қадрини, баробарлиқни, меҳру муҳаббатни ўз кўчаларида намоён этаётган янги қиёфага эга шаҳардир. Инсон учун қўлай, эркин ва хавфсиз муҳит яратиш мақсадида шаҳар инклюзив ри-вожланиш йўлига қатъий қадам қўйди. Эндилликда жамоат жойлари, йўллар ва инфратузилмалар фақат соғлом инсонлар билан бирга кўзи ожиз, эшитишда муаммоси бор ёки аравада ҳаракатланувчи шахслар учун ҳам тўсиқсиз, очик ва самарали муҳитга айланмоқда.

Алишер Орузбоев – ёши эллиқдан ошган со-биқ темирйўлчи. Йиллар давомида поездлар ҳа-ракати, қатнов хавфсизлиги, вақтда юритилган график – ҳаётининг асосий мазмуни эди. У темир излар устида ҳаётни кўрган, ҳар бир сигнални жондай яхши таниган инсон. Аммо тақдир унинг саломатлигига синов юборди. Саломатлигида муаммолар пайдо бўлгач, аввалига бориб ишлаш, хизматга чиқиш мушкуллашди, кейин эса бутун-

лай уйда қолишга мажбур бўлди. Бирок Алишер акада ҳеч қачон руҳий тушқунлик бўлмади. Қўли-даги асога сунганча, у ҳамон темирйўлчиларга хос дадиллик билан шаҳар кўчаларида сайрга чиқади. Охишта, лексин ишонч билан қадам боса-ди. Унинг ҳар бир қадамида ҳаётга меҳр, ҳаводан тўйинган нафасларда эса эркинлик ҳисси яши-ринган. Алишер ака энди нафақат ўз ҳаёти, бал-ки жамиятдаги ижобий ўзгаришлар билан ҳам фахрланади. Овозли светофорлар, махсус пиёда йўлак-лари, кенг тротуарлар ва ногоиронлиги бор-лар учун мўлжалланган белгилар – бугунги Тер-мизнинг замонавий инклюзив қиёфасини ярат-моқда.

Расмга олиш жараёнида яна бир юртдоши-мизни учратдик. У ҳам янги ўзгаришлардан, барча фуқаролар учун қўлай муҳит яратилаёт-ганидан мамнун. Термиз шаҳри, Тупроққўрғон маҳалласида истиқомат қилувчи Бехруз Бозоров

нафақат гувоҳ, балки бевосита иштирокчи ҳам. Унинг ҳаётидаги қатор муаммолар бутунги кун-да қисман енгиллашди. Ўзгалардан ёрдам кут-масдан, эркин ҳаракат қилиш имконияти пайдо бўлди. “Аввал кўчалардан ўтиш – менга оғирлик қиларди. Светофорларда овозли сигналлар бўл-маган, тротуарлар етишмас эди. Энди эса шукр, Термизимиз ўзгаришти, бизни унуттишмаяпти. Бу ўзгаришлар кўнглимизни кўтарарди”, – дейди 2-гурӯх ногоиронлиги бўлган ҳамюртимиз Бехруз табассум билан.

Ногиронлиги бўлган инсонлар учун муҳитда-ги ҳар бир яхшилланган элемент – бу фақат қўлай-лик эмас, балки руҳий кўтаринкилик манбаидир. Улар ўзини керакли, қадри ҳис қилишни бош-лайди. Бу эса депрессия, ижтимоий чекланиш ва руҳий тушқунликларни қамайтиради. “Инсон учун муҳит унга мослашмиш керак. Агар муҳитда сен ҳам кераксан деган ифода бўлса – бу ўз-ўзи-

дан шифо таъсирини беради,” – дейди мутахас-сис психолог Анвар Жўраназаров.

Инсон қадри, унинг жисмоний имконият-ларидан қатъи назар, ҳимоя қилиниши ва қўл-лаб-қувватланиши зарур. Бу нафақат руҳий жиҳатдан, балки давлат сиёсати ва ижтимоий тизим даражасида ҳам амалга оширилмоғи дар-кор.

– Жорий йилдаги янгиланган давлат дастур-лари ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкор-ликда амалга оширилаётган ишларнинг маркази-да айнан “инсон қадри” деган тушунча турибди, – деди биз билан суҳбатда ижтимоий экспертиза вилоят бошқармаси мутахассиси Илёс Раффаров. – Масалан, овозли светофорлар, пиёдалар йўлак-ларидаги тактил плиткalar, брайл ёзувлар, ара-вада ҳаракатланувчи фуқаролар учун пандуслар – буларнинг барчаси ижтимоий экспертиза та-всиялари асосида амалга ошириляпти. Бу жараён

доимий мониторинг ва таҳлил асосида давом эт-тирилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, айниқса, ногоиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳаётига дахлдор масалалар дав-лат сиёсати даражасида хал қилинмоқда. Прези-дентимизнинг 2024 йил 18 июлдаги “Ногиронли-ги бўлган шахслар учун қўлай ва тўсиқсиз муҳит яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да”ги қарори ана шундай янги чара ва адолатли ён-дашувнинг ёркин ифодасидир.

2024 йил Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри-даги Алишер Навоий кўчаси танлаб олинди. Ушбу йўлнинг 1400 метр қисмида сариқ рангли йўлакчалар ташкил қилинди. Худуддаги чорраҳа-га жами 8 та овозли светофорлар жойлаштирил-моқда. 2025 йилда эса А. Термизий кўчаси танлаб олиниб, унинг 2200 метр қисми мослаштирил-ляпти. Ушбу ишлар вилоятимизнинг Денов, Шўрчи ва Узун туманларида ҳам амалга оширилмоқда. Кўзи ожизлар учун кўп қаватли уйларнинг йў-лаклари ва лифтлари мослаштириляпти. Давлат ташкилотларининг кириш қисмида сариқ йўлак-лар ва брайл алифбоси мосламаси кўрсаткичи бино хариталари ташкил этилмоқда.

2025 йил давлат дастурига тушган 35 та умумтаълим мактаблари, 27 та мактабгача таъ-лим объектлари, 4 та соғлиқни сақлаш муассас-саси, 1 та ихтисослаштирилган мактаб интернат ва 5 та “Янги Ўзбекистон” массивининг кўчалари лойиҳа-смета ҳужжатларида ногоиронлиги бўл-ган шахслар учун қўлай муҳит яратиш бўйича алоҳида техник қисм ишлаб чиқилди ва қури-лиш-таъмирлаш жараёнида тўлиқ шароитлар яратилиши Ижтимоий инспекциянинг вилоят бошқармаси томонидан назоратга олинди.

Маълумот ўрнида, 2025 йилда Сурхондарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларида бит-тадан намунавий “Ижтимоий кўча”лар ташкил қилинади. Мисол учун, Термиз шаҳрининг Ал Ҳаким ат-Термизий, Денов туманидаги Шароф Рашидов, Қизирқ туманининг Мустақиллик кўчаларида 2 минг километрдан ортқ, Қобусун, Қумқўрғон, Термиз, Шеробод, Шўрчи каби ту-манларда минг километрдан кўпроқ кўчаларда таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Муҳтасар айтганда, инсон қадри – бу фақат назарий шior эмас. Бу – амалий ҳаракат, ҳақиқий ўзгариш, қалбдан чиққан эҳтиром. Тўсиқсиз муҳит – адолатли жамиятнинг белгисидир. Бугун инсон-дан инсонгача қўлай ҳаёт шароити яратилаётгани юртимизда “Янги Ўзбекистон” гоиси тўлиқ ифода-сини топаётганидан далолат бермоқда.

Қашқадарёдан дараклар

Ѓузорда қурилиш махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда

Ихтиёр УМАРОВ, “Қашқадарё сув таъминоти” АЖ матбуот хизмати раҳбари.

Ѓузор туманида йирик ва кичик корхоналар томонидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланди.



Жумладан, “Ѓузор бетон” МЧЖ то-монидан 3,5 миллиард сўм банк кредити ва 6,5 миллиард сўм ўз маблағи – жами

10 миллиард сўм ҳисобига бетон махсу-лотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур корхонада 15 тур-

даги бетон махсулотлари ишлаб чика-рилмоқда. Унда 50 нафар фуқаро дои-мий иш билан таъминланган.



Фуқароларнинг эркин ҳаракати таъминланади

Жиззах шаҳри марказидаги йирик чорраҳада – Шароф Рашидов кўчасининг Ислom Каримов ва Мустақиллик кўчалари билан кесишган ҳудудида шаҳарсозлик меъёр ва қоидалари асосида муҳим лойиҳа амалга оширилмоқда.

Имконияти чекланган фуқаролар-нинг тўсиқсиз ва қўлай ҳаракатлани-ши учун мўлжалланган мазкур лойиҳа Жиззах вилояти ҳокимлиги “Ягона бу-юртмачи хизмати” ИК ДМ буюртмаси-га биноан, “Olimp Mega Projekt” МЧЖ томонидан лойиҳалаштирилиб, “Шарқ Киновидео” МЧЖ пудратчилигида амалга оширилмоқда.

Лойиҳа қиймати эса 2 миллиард

29 миллион сўмдан ортқикни ташкил қилади. Лойиҳа доирасида махсус пандуслар, қўлай пиёдалар йўлак-лари, хавфсизлик элементлари ва тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича комплекс ишлар олиб боришмоқда. Натижада шаҳар-нинг муҳим чорраҳаларида пиёдалар-нинг эркин ҳаракати таъминланади.

Ўз муҳбиримиз.



Кўчма тарози – йўл сифати ва ҳаракат хавфсизлигини оширади

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида Давлат дастурларининг амалга татбиқ этилаётгани натижасида нафақат халқор, балки ички йўллар ҳам босқичма-босқич тартибга келтирилиб, пиёдалар ва техникаларнинг эркин ҳаракатланиши учун шароит яратилмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам шу дастур-лар доирасида серкатнов транспорт воситалари ҳаракатини тартибга кел-тириш учун йўллар инфратузилмасини қайта кўриб чиқиш ва уларни замона-вий технологиялар билан жиҳозлаш, пиёдалар йўлагини қуриш, маҳаллалар кесимидаги ички йўлларни асфальт-лаш юзасидан ишлаб чиқилган лойи-ҳалар асосида амалий ишлар бошлаб юборилди.

Бунинг учун давлат томонидан ажратилган 70,7 миллиард сўм маб-лағ ҳисобига жорий йилда шаҳар ва туманлардаги 172,2 километр ички йўлларни асфальт қилиш ишлари босқичма-босқич олиб боришмоқда. Бундан ташқари, айрим маҳаллалар ахли ташаббус кўрсатиб, ҳашар эвазига бир неча километрдан ортқ ички йўл-ларга шағал ётқиизишмоқда. Сайёҳлик салоҳияти кенг бўлган Ёўстонлиқ ту-манида айниқса, бу борадаги ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, аҳоли ва сайёҳлар учун қўлай шароитлар яра-тишга йўналтирилган инфратузил-мавий лойиҳалар амалга оширилди. “Марказий”, “Наврўз”, “Намуна” каби бир нечта маҳалла фуқаролар йиғин-



ларидаги кўчаларга асфальт қопламаси ётқиизилди.

Шунингдек, автомобиль йўлла-рининг техник ҳолати ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масаласи вилоят соҳа мутахассислари томони-дан кўриб чиқилиб, бу борада ҳам кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Жум-ладан, вилоят ҳудудидан ўтувчи М-39 автомобиль йўлининг 817 ҳамда 871-ки-лометрлари, А-373 йўлининг 3-кило-метри ва Д-015 автомобиль йўлининг 60-километрида ярқисиз холга келган жойлар таъмирланиб, бу ерларда кўчма

тарозилар ўрнатилди. Ушбу замонавий технологиянинг афзаллиги шундаки, у оғир юк ташувчи автотранспорт воси-талари устидан доимий назорат қилиб туради. Агар транспорт воситасида ке-рагидан ортқ юк ортилган бўлса, уни тўхташиш ҳақида назоратчи хабар беради.

Ҳозирча синов тариқасида татбиқ этилаётган бу усул энг аввало, транс-порт воситаларини аварияга олиб келувчи хавфнинг олдини олади, қо-лаверса, йўлларнинг сифатини бир меъёрга сақлаб туришга хизмат қи-лади. Вилоятдаги йўлларнинг айрим жойларида татбиқ қилинган мазкур янгиликнинг самараси ҳам ўрганиб чиқилмоқда. Жорий йилнинг ўтган давридаги таҳлиллар натижасига кўра, ҳозиргача мингга яқин юк автотранс-порт воситаси назорат тарозисидан ўтказилиб, уларнинг баъзиларида бел-гиланган меъёрдан ортқча юк ташиш ҳолатлари аниқланди ва амалдаги қо-нун доирасида ҳужжат расмийлашти-рилиб, ҳайдовчиларга тегишли кўрсат-малар берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 22 октябрдаги “Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда ички ҳўжалик йўллари инфратузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижроси асосида амалга ошири-лаётган бу сингари ҳаракатлар ҳозир ҳам изчил давом эттирилиб, келгусида кўчма тарозилар ўрнатиладиган жой-лар сонини ошириш чоралари кўрил-моқда.

Мазкур лойиҳани “Йўл қурилиш-таъмирлаш” МЧЖ амалга оширмоқда. Умумий қиймати 9,8 миллиард сўм бўлган ушбу ишлар доирасида ҳозирги 13 метрли кўприк яна 11 метрга кенгайтирилади. Натижада, йўл 6 қаторли бўлиб, транспорт оқимини сезиларли даражада енги-лаштиради.

Китоб туманида кўприк қуриляпти



Китоб туман марказидан ўтувчи 4Р-23Л автомобиль йўлининг Оқ сув дарёси устидан ўтган кўприк кенгайтириляпти.

Янги савдо маркази иш бошлади

Ѓузор туманида “Юксалиш” савдо марказининг навбатдаги 20-филиали тантанали тарзда очилди. Филиал фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида 30 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди.



Мазкур филиалда маиший техника, смартфонлар, мебеллар, уй-рўзгор буюмлари, спорт анжомлари, сан-техника махсулотлари, авто эҳтиёт қисмлар ҳамда қури-лиш моллари каби 7 мингдан ортқ турдаги махсулотлар харидорларга тақлиф этилмоқда. Филиал раҳбари Бар-камоп Мамажоновнинг таъкидлашича, янги дўкон аҳо-лига хизмат кўрсатиш сифати ва махсулот хилма-хилли-ги бўйича ўзига хос ёндашувни тақлиф этади.



Замонавий “Билимдон” болалар оромгоҳи очилди

Фарғона тумани “Логон” маҳалла фуқаролар йиғинида янги бунёд этилган “Билимдон” болалар оромгоҳи фойдаланишга топширилди.

Очилиш маросимида вилоят ташкилот ва идоралар раҳбарлари, нурунийлар, ёшлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир рамзий тасма қирқиш билан бошланиб, меҳмонлар оромгоҳда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Ўқув хоналари, кутубхона, маънавийат хонаси, тиббиёт пунктлари, тўғарақлар, ошхона, ўйин майдончалари ва сузиш ҳавзаси каби қулайликлар ёшлар учун махсус ташкил этилган.

Фарғона вилояти ҳоқими Хайрулло Бозоров барчани янги оромгоҳ очилиши билан табриклаб, мамлакатимизда

ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун замонавий дам олиш ва таълим масканлари яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

– Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг таълим-тарбияси, дам олиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Бугун фойдаланишга топширилаётган “Билимдон” оромгоҳи ҳам ана шу эътибор самарасидир. Оромгоҳ республика миқёсида намуна сифатида тақдим этилмоқда. Бу ерда болалар бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу боис, оромгоҳ республикамиз бўйлаб катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу маскан йил давомида фаолият юритиши лозим. Энг яхши ўқиган, фаоллиги билан ажралиб турган ўқувчиларни бу ерга жалб этиб, уни ёшлар орзу қилидиган интилиш масканига айлантиришни тақдиф қилмоқдамиз, – деди вилоят ҳоқими.

200 ўринга мўлжалланган оромгоҳ бир мавсумда 1000 нафарга яқин болани қабул қилиш имкониятига эга. 48 миллиард сўмлик мазкур лойиҳа Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан амалга оширилди.

Энг муҳими, оромгоҳда йил давомида ҳам тўғарақлар, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Тадбирда оромгоҳ рамзий калити топширилиб, қурилишда фаол иштирок этганлар тақдирланди. Шунингдек, маҳалла фаоллари ҳам ўз миннатдорчилигини билдирди.

Шундан сўнг концерт дастури ташкил этилиб, йиғилганларга янада кўтаринкилик улашилди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов.

Айни пайтда Фарғона вилоятида 14 та стационар ва 114 та мактаб қошидаги кундузги оромгоҳ фаолият юритиб, ёзги мавсумда 40 минг нафарга яқин болаларнинг мазмунли дам олиши таъминланмоқда.

Қасри Орифонга “Туризм қишлоғи” мақоми берилди

Шоҳижаҳон АШУРОВ, Халқ депутатлари Когон туман Кенгаши ҳузуридаги ёшлар маслаҳат гуруҳи раҳбари.

Когон туманидаги Қасри Орифон туризм қишлоғининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Туризм қўмитаси раиси ўринбосари Сардор Ниязов, Бухоро вилояти ҳоқими ўринбосари Ботиржон Шаҳриёров, Когон тумани ҳоқими Отабек Қазоқов, туризм соҳаси вакиллари, маҳаллий аҳоли ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди.



Тадбирда сўзга чиққан Бухоро вилояти ҳоқими ўринбосари Ботиржон Шаҳриёров ҳамда туман ҳоқими Отабек Қазоқов барча ҳудудлар қатори Когон туманида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар, шунингдек, туризм қишлоқларининг иқтисодий ва маданий аҳамияти ҳақида алоҳиди таътиблиб ўтишди. Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси томонидан Когон туманининг Қасри Орифон қишлоғига “Туризм қишлоғи” мақоми берилгани тўғрисидаги сертификат тантанали равишда тақдим этилди.

Тадбир давомида иштирокчиларни туризм қишлоғида янги ташкил этилган туристик объектлар билан таништириш мақсадида инфотур ҳам ташкил этилди. Меҳмонлар қишлоқдаги замонавий инфратузилма,

меҳмон уйлари, хунармандчилик устaxonалари ва бошқа туристик имкониятлар билан яқиндан танишдилар.

– Мазкур туризм қишлоғи нафақат сайёҳлар учун янги манзиллар, балки маҳаллий аҳоли учун барқарор даромад манбаи, маданий меросимизни асраб-авайлаш ва тарғиб этишининг самарали усулидир, дея таъкидлади туман ҳоқими Отабек Қазоқов.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ қадимий тарихий обидалари, зиёратгоҳлар ва миллий анъаналарни сақлаб қолдиётган аҳолиси билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, машҳур авлиё Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасига яқин жойлашгани билан ҳам қўллаб сайёҳлар эътиборини тортмоқда. Йил давомида бу ерга минглаб маҳаллий ва хорижий меҳмонлар ташриф буюради.

75 йиллик сермазмун умр соҳиби

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар касбни эмас, касб уларни танлайди. Улар худди шу касб, шу соҳа учун яратилгандек гўё. Бундай дилкаш инсонлар ён-атрофидаги таниш-билишлар, ҳамкасблар, яқинлари орасида нафақат касби, балки ҳаётий сабоқларга тўла мазмунли суҳбатлари, тавсия ва маслаҳатлари билан ҳам ҳурмат қозонишади.

Ф а р ғ о н а л и к Алихўжа Позиллов ана шундай инсонлардан биридир. Бугун водийда у кишини билмаган, танимаган, бир маротаба бўлсада суҳбатда бўлмаган қурилиш соҳаси вакили топилма-с керак. Қурилиш соҳаси бўйича энг тажрибали кишилардан бири сифатида вилоят миқёсидаги кўплаб йирик аҳамиятга эга лойиҳалар айнаун кишининг иштирокида амалга оширилган. Қолаверса, соҳа вакилларининг бутунги авлоди ундан иш ва ҳаётий сабоқларни олгани учун ҳам, устоз, деяр ҳурмат билан ардоқлашади.

Алихўжа Позиллов 1950 йилнинг 3 августида Фарғона вилоятининг Риштон туманида туғилган. Болалигидан қурилиш соҳасига қизиқиб, меҳр қўйиб улғайгани туфайли Фарғона политехника институтини тамомлаб, бутун умрини, билим ва малакасини шу соҳа ривожига бахш этди. Бир қатор лойиҳа ташкилотларида гуруҳ раҳбари, бош муҳандис, ташкилот раҳбари сифатида фаолият юритиб, вилоят миқёсидаги қатор йирик лойиҳаларнинг яратилишида бош-қош бўлди.

Алихўжа Позиллов бугун ҳам бунёдкорлик соҳасининг фаол вакили сифатида меҳнат қилиб, “Qo‘qon Loyiha Qurilish” масъулияти чекланган жамиятини бошқариб келмоқда. У киши раҳбарлик қилаётган малакали архитекторлар жамоаси шу йиллар давомида



вилоят миқёсидаги кўплаб йирик лойиҳаларни амалга оширишида иштирок этди. Хусусан, ҳукумат топшириғига биноан, Қўқон шаҳри реконструкция қилиниб, қайта чирой очишда у кишининг хизматлари беқиёс. Уша пайтда Қўқон шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг ташқи фасад қисмларидан тортиб, коммунал тизимларига янгилади. Қўқон давлат Ҳамза театри биноси, хозирги Фурқат боғи, Ўрда майдони лойиҳалари ҳам ўша йилларда яратилган энг йирик ижод намуналаридан ҳисобланади.

Бугун кутлуг 75 ёшини нишонлаётган отахоннинг бир фарзанди Лазизхон Позиллов ота касбининг давомчиси сифатида қурилиш соҳасида меҳнат қилмоқда. Тўрт фарзанд, 14 нева ва 6 нафар эварага бош бўлиб, ҳамон юртимиз равнақи ва бунёдкорлиги йўлида меҳнат қилиб келаётган сермазмун умр соҳиб – Алихўжа Позилловни кутлуг айёми билан табриклаб, у кишига соғлиқ-саломатлик, келгусидаги ишларига муваффақият тилаймиз.

Тахририятдан.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил июль ойининг 29-31, август ойининг 1-4 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими етакчи мутахассиси **Мадина Мамадалиева**, вазир ёрдамчиси **Шерзод Закирханов**, Бош бухгалтер **Эркин Эрматов**, Коррупцияга қарши курашиш бўлими бош мутахассиси **Жасур Файзиев**, “Оператор call-марказ” оператори **Нодира Исоқжнова**, Лицензиялаш ва аккредитациялаш бўлими бош мутахассиси **Умид Деҳқонбоев**, Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассиси **Азимжон Курбанбаев**, хизмат хоналари фарроши Муборак Мираҳмедова,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ахборот-таҳлил қилиш ва мониторинг юритиш бўлими бош мутахассиси **Туйғун Эргашев**,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Илгма эксперт хулосалар тайёрлаш бўйича бош мутахассиси **Ҳошимжон Авазов**, Смета ва қурилишни ташкил этиш бўйича етакчи мутахассиси Сарвиноз Файзуллаева, Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими бош мутахассиси **Санжар Абдурахмонов**, Мониторинг ва назорат бўлими бош мутахассиси **Денис Семенов**, Илгма эксперт хулосалар тайёрлаш бўйича бош мутахассиси **Пётр Вдовин**,

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” Давлат харидларини ташкил қилиш ва амалга ошириш бўлими бош мутахассиси **Муҳаммадали Йўлдашев**, Қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш бўлими етакчи мутахассиси **Анвар Маматов**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Инсон ресурсларини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси **Нигора Туляганова**, Стандартлаштириш бошқармаси мутахассиси **Фируза Баратова**,

“Ўзоғирсанотлоийха” АЖ БГИ бошлиғи **Мирзараҳим Маматов**, ТСП сектор раҳбари **Агафья Лян**, ООПР қўриқчиси **Шоилёс Шаабдуллаев**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси архитектори **Жамшид Хайруллаев**, бошқарманинг 2-тоифали муҳандиси **Ҳикмат Музаффаров**, 2-устахонаси гуруҳ мудири **Надежда Ан**, 3-устахонаси 1-тоифали муҳандиси **Азизбек Ўктамов**, Шаҳар-созлик хужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 10-устахонаси бош мутахассиси **Даврон Қахрамонов**, 5-устахонаси етакчи архитектори **Мария Спивак**, 6-устахонаси архитектори **Мохинур Ғаниқулова**, Йўл ҳудудларнинг муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими муҳандиси **Сирожиддин Пайзитдинов**, Наманган филиали етакчи архитектори **Ғуломқодир Умаров**,

“Ташгипрогор” АЖ Сектор раҳбари (ГИП) **Найля Влиева**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ муҳандиси **Ольга Мартынюк**, хисобчи **Раъно Мирсаидова**, бош мутахассислар **Ирина Матицина**, **Жамшид Баҳодиров**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қораузақ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш бўлими бош мутахассиси **Пердебай Жалгасбаев**,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси бош мутахассиси **Орўбек Келдибеков**, Ўлғунор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитекура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Муҳаммадали Қўшалиев**, хизмат автомашинаси ҳайдовчиси **Ҳалимжон Сулаймонов**, қоровул **Ҳамидулло Қирғизбоев**,

Бухоро шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими етакчи мутахассиси **Ўлмас Аминов**, Бухоро тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Азизбек Юлдошев**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Вазира Бектамишова**, мутахассис **Сирож Суянов**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош мутахассиси **Жасурбек Исломов**, уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Диёрбек Беккулов**, архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассис **Нуруллохон Насуруллаев**, хўжалик ҳисобидаги давлат хизматлари кўрсатиш бўлими етакчи мутахассиси **Сардор Жалилов**,

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш бўлими бош мутахассиси **Фазлиддин Назаров**, Қўмқўрган тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Элмурод Караматов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Авазбек Мадаминов**, Муржоатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси бош мутахассиси **Шерзодбек Шарипов**, Данғара тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Маъруфжон Юнусов**, Уч-кўприк тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Рустам Суянов**, уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Сарвар Эргашев**,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ичимлик суви, окова сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўъбаси бош мутахассиси **Сирож Отаназаров**, уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Назокат Қутимова**,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимдаги “Иссиқлик манбаи” ДУК Қашқадарё вилояти бошлиғи **Қахрамон Жўраев**,

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Берёза коммунал сервис” МЧЖ БСК раҳбари **Айпалла Азимова**, шу тумандаги “Эпрус бошқарув” МЧЖ БСК раҳбари **Рустам Бадаллов**, Шайхонтоҳур туманидаги “Шайхонтоҳур аъло сервис” МЧЖ БСК раҳбари **Козим Холтаев**, Юнусобод туманидаги “Мадали сервис” МЧЖ БСК раҳбари **Абдурафиқ Мадалов**,

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги “Alfiya-Nur-Kommunalchi” уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувчиси **Алексей Лисенко**ларни таваллуд қили кун билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Ёшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Маккамов**

Мусакхх **Марҳамат Мусулмонкулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Нашириёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”
НАШИРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзАШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (тахририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

**ХУДУДЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**
Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 741.
1887 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси қелишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга
келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 21.20.
Топширилди – 22.30. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони
5 август кунини чиқади.